

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 й. «24» 11

161-12-177-ОВ/2022-сон

Шовот ш.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор М.Қурбанов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Хива стандарт плюс МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи С.Бобоев иккинчи томондан Шовот тумани “Арчазор” махалласи “Арчазор-2” кўкаси ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

### 1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**“ижро хўжжатлари”:** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хўжжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганилиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хўжжатлар:

**“таъмирлаш майдони”:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилаб билан белгилаб кўйилади.

**“вақтингчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:**- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Шовот тумани “Арчазор” махалласи “Арчазор-2” кўкаси ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш ишларини** бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг баённомаси (2022 йил “21” ноябрдаги “188424” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда КҶС билан жорий нархларда 683 000 000 (олти юз саксон уч миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- таъмирлаш қийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объекtnинг таъмирлаши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳўжжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нарихидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- таъмирлаш майдонига зарур таъмирлаш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, таъмирлаш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- таъмирлаш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- таъмирлаш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли таъмирлаш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, таъмирлаш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

таъмирлаш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

таъмирлаш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (таъмирлаш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмирлаш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий таъмирлашда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган таъмирлашнинг давом этиши вақти аванс маблағлари ўтказилган кундан эътиборан **30** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу **204 900 000** (**икки юз тўрт миллион тўққиз юз минг**) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асосда амалга оширилади

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб таъмирлаш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки жорий молия йили якунига қадар ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларидан белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишларни таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини таъмирлашда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва таъмирлаш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда кўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва таъмирлашда Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор киласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилинадиган бўлсаларни ҳамда уларнинг таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласи у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва таъмирлаш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, таъмирлаш даврида майдонда таъмирлаш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлашни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### IX. Ишларни кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллагунча ва таъмирлаш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган таъмирлаш майдони худудидаги

материаллар, асбоб-ускуналар таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Таъмирланган объект ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

46. Пудратчи таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа хужжатлари ҳамда таъмирлаш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан таъмирлаш учун кўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиниши;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар таъмирлаши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объектнинг кафолат муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларида нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

### 53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асосиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош торган сумманинг 0.5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи таъмирлашда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи таъмирлаш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартериш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакикий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи таъмирлаш майдонини озод қилиш санаасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594 сонли қарорига асосан Фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

74. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

75. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

76. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар киради.

77. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда кўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувни амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишида тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишида олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиши, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиши ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

78. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишида, битимлар тузиши бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиши хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласидаган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан кўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чикариш зарурати доирасидан келиб чикиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчиллик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

79. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласидаги шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганилиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганилиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

80. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиши натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

БУЮОРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси	Хива стандарт плюс МЧЖ
Манзили: Шовот т Туркистон кўчаси 78-үй	Манзили: Хоразм вилояти Хива шаҳри Гулшан-2 махалласи Гулшан кўча 102-үй
Тел/факс: 345-11-94	Тел/факс: 91- 999-21-09
шх/р: 4017 2286 0332 3070 6520 0110 005	х/р: 2020 8000 2050 22 41 6001
Банк: Марказий банк Тошкент шахар ХККМ	Банк: Халк банк Хива филиали
МФО: 00014	МФО: 00811
ИНН: 206945034	ИНН: 302 512 018
ОКЭД: 70100	ОКЭД: 42110
Молия вазирлиги ягона ғазна хисоб вараги	
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	

М.Ү.

(Имзо)


М.Курбанов



М.Ү.

(Имзо)

С.Бобоев



1-жадвали

**Объектда бажариладиган таъмирланиш-монгаж ишлари  
ЖАДВАЛИ**

Т/ Р	Ишлар тури ва номи	Ишлар хажми (км)	Киймати (сўм)	2022 йил учун таъмирлаш киймати												Ишлар тури кийматини иг жами	
				I - чорак			II - чорак			III - чорак			IV - чорак				
				Январ	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16		
1	Шовот тумани “Арчазор”, маҳалласи “Арчазор-2” кӯчаси хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш ишлари	1.019	683 000 000														

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси хисобланали ва унинг ажralмас кисми деб каралади.  
2. Келгуси йиллардаги таъмирлаш ишлари учун хам шундай график тузилади.

**БУЮРГИМАЧИ:**  
Рахбар: М.Курбанов —  
М.У.

**ПУДРАТЧИ:**  
Рахбар: С.Бобоев —  
М.У.



2-жадвали

“Шовот тумани “Арчазор” макалласи “Арчазор-2” кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1.019 км)”  
Ишларни (боскичларга бўлган холда) бўнак ва жорий молиялаштириши хисобга олган холдаги молиялаштириш жадвали

Молиялаштириш шарти	Таъмирлаш йиллари 2022 йил.											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
30 % бўнак(аванс) тўлови											204 900 000	
95 % бажарилган ишлар												443 950 000
далолатномаларига асосан												
5% тўлов Ободонлаштириши												
бошқармасига												
далолатномага												
толширилгандан сўнг												34 150 000

БУЮРГМАНИ:

Рахбар: М.Курбанов \_\_\_\_\_  
М.Курбанов



ПУДРАГЧИ:

Рахбар: С.Бобоев \_\_\_\_\_  
С.Бобоев  
М.Ю.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RU6867677733

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Xiva standart plus MCHJ (683.000.000 so'm)
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Shovot tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 23.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shovot tuman yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**B.R.QURBONOV**

23.11.2022



## XALQ DEPUTATLARI SHOVOT TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 3 - oktabr

VI-62-145-12-177-K/22

Shovot tuman hokimligi

**Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni tanlab olish va “Fuqarolar tashabbusi jamg‘armasi”dagi mablag‘larni g‘olib takliflarga yo‘naltirish to‘g‘risida tuman moliya bo‘limi mudiri Babajanov Ulug‘bek Baxtiyarovichning hisoboti.**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi “Budjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minalash bo‘yicha qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-5072-son qarori, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi KQ-213-IV-son qarori va unga 2022-yil 20-sentabrdagi KQ-406-IV-son qarori bilan kiritilgan o‘zgartirish va qo‘srimchalar hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-sentabrdagi “Ochiq budjet” axborot portalni orqali jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirishni yanada kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5250-son qarorlari ijrosini ta’minalash maqsadida xalq deputatlari tuman Kengashi

### QAROR QILADI:

1. Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni tanlab olish va “Fuqarolar tashabbusi jamg‘armasi”dagi mablag‘larni mazkur tadbirlarga yo‘naltirish to‘g‘risida tuman moliya bo‘limi mudiri Babajanov Ulug‘bek Baxtiyarovichning hisoboti ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining “Ochiq budjet” axborot portalni “Tashabbusli budjet” jarayonida fuqarolar tomonidan o‘z hududidagi mavjud muammolarni bartaraf etish bo‘yicha qoldirilgan takliflarining 3-bosqich ya’ni “ovoz berish” jarayoni yakunida aniqlangan g‘olib takliflar ro‘yxati hamda

undagi shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha manzilli ro'yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Shovot tumani hokimligining Axborot xizmati (S.Yo'ldoshev)ga va tuman hokimligi moliya bo'limi moderatori (R.Kurbanboyev)lar bilan birgalikda 3-bosqich, ya'ni "ovoz berish" jarayoni yakunida aniqlangan g'olib takliflar, shuningdek, undagi shakllangan tadbirlarning moliyalashtirish hamda amalga oshiriladigan ishlar bo'yicha ma'lumotlarni keng jamoatchilikka muntazam ravishda yetkazib borish vazifasi yuklatilsin.

4. Tuman hokimligi moliya bo'limi (U.Babajanov)ga va tuman g'aznachilik bo'linmasi ragbariga budgetga tegishli o'zgartirish kiritish, belgilangan tartibda to'lojni amalga oshirish hamda ajratilgan mablag'lardan maqsadli foydalanishni nazorat qilish topshirilsin.

5. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining Mahalliy budget, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investisiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi (G.Dosova) va tuman hokimining birinchi o'rinnbosari (S.Saidov) zimmasiga yuklatilsin.

6. Ushbu qaror qabul qilingan kundan kuchga kiradi.

Xalq deputatlari Shovot tumani  
Kengashi raisi



O.Artiqov

Xalq deputatlari Shovot tuman Kengashining  
2022 yil 3 oktabrdagi  
VI-62-145-12-177-K/22-sون qaroriga  
1-ilova

**Shovot tumani bo'yicha 2022 yilda jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi PQ-5072-soni qaroriga asosan shakllangan g'olib takliflar  
MANZILLI RO'YXAT**

Nº	Taklif raqami	Qisqacha mazmuni	Amalga oshirishning aniqlangan ovozlar soni qiymati	Haqiqatda ajratilgan*	Moliyalashtirish manbasi (FTJ, qo'shimcha manba, budget parametri)	Buyurtmachi tashkilot
<b>"Fuqarolar tashabbusi jang'armasi" da shakllangan mablag'</b>						
1	1550600010	Laproksopiya video sistema (Xirurgiya) harid qilish uchun	8 365	850 000 000	850 000 000	Fuqarolar tashabbusi jang'armasi
2	1550600175	X.Devoniv ko'chasini asfalt qilib tamirlash	4 203	900 000 000	700 000 000	Fuqarolar tashabbusi jang'armasi
3	1550600304	"Archazor" mahallasi Archazor 2-tor ko'chani asfalt qilish	4 110	800 000 000	700 000 000	Fuqarolar tashabbusi jang'armasi

4	1550600311	"Katqal'a" mahallasi Uch chinor, Ishonch ko'chasi bilan kesishgan chorrahasidan boshlab "Oltinqal'a" mahallasiغا ketgan yo'nning 1,5 km uzunlikdagi qismini asfalt qilish.	3 615	1 150 000 000	1 150 000 000	Fuqarolar tashabbusi jamg' armasi	Obodonlashtirish boshqarmasi
5	1550600238	Ma'lumki, davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lg'a qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi. Ikkinchи tashabbus yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sport sohasidagi qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirish maqsadida; "Qumyop" mahallasida joylashgan 26-son maktabning sport maydonchasini ta'mirlash va suniy qoplamali maydoncha tashkil etish va maktab atrofini devor bilan o'rash.	2 596	1 200 000 000	1 200 000 000	Fuqarolar tashabbusi jamg' armasi	Xalq ta'limi bo'limi
6	1550600283	"To'qmang'iit" mahallasida joylashgan 19-umumiy o'rta ta'lim maktabini eski yog'och oyma eshlarni yangisiga almashtirish zaur handa istishh tizimini joriy ta'mirlash	2 047	980 000 000	980 000 000	Fuqarolar tashabbusi jamg' armasi	Xalq ta'limi bo'limi
7	1550600119	"Beshmargan" mahallasi Yusuf Xamadoniy ko'chasini qayta ta'mirlash	1 856	900 000 000	360 000 000	Fuqarolar tashabbusi jamg' armasi	Obodonlashtirish boshqarmasi